

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Акромов Фарход Артыкбаевич  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
таянч докторантура изланувчиси  
E-mail: Farhod-BFA@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ва барқарор ўсишида модернизациянинг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос моделлари ҳақида фикрлар ёритилган. Тадқиқот жараёнида хорижий ва маҳаллий олимларнинг модернизация тўғрисидаги фикрлари, таърифлари ўрганилиб, модернизация моделлари, тури ва типлари кенг ёритилган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини модернизациялаш масаласи ўрганилган.

**Аннотация:** Данная статья посвящена исследованию места, роли и особенностей модернизации в развитии экономики и устойчивом экономическом росте нашей страны. В процессе исследования были изучены взгляды отечественных и зарубежных ученых и их определения понятия «модернизация». Кроме того, в статье широко освещены модели, виды и типы модернизации. И также же, в статье изучен вопрос модернизации бухгалтерского учета.

**Abstract:** This article is devoted to the research of the place, role and peculiarities of modernization in the economy development and ensuring stable economic growth. The views of domestic and foreign scientists as well as their definitions to the term “modernization” have been studied during the research process. Moreover, the article highlights models, types and kinds of modernization. In addition, the article is devoted to the issue of the accounting modernization.

**Калим сўзлар:** модернизация, диверсификация, линеар модель, парциал модель, кўпчилик модели, актор модели, чегараланган модернизация, қувиб етувчи модернизация, экстенсив модернизация, интензив модернизация.

### Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ижтимоий ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётимизда барқарор ўсиш таъминланмоқда. Бу каби барқарор ўсишлар замирида модернизация ва диверсификацияни кенг ва янада самарали равишда қўллаш ётади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-иловасида ҳам: “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;


- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш каби фикрлар баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” маърузасида қуйидагилар алоҳида таъкидланган: “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”.

2015 йилда амалга оширилган кенг кўламли, узокни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди”[1].

Қуйида келтирилган расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7,7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръати бироз пасайди. 2007 - 2015 йиллар мобайнида ЯИМнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган бўлса, 2016 йилга келиб ўсиш 7,8 фоиз даражасида бўлди.

ЯИМнинг юқори ўсишини таъминлаш замирида кўплаб иқтисодий категориялар ётади. Юқорида таъкидлаганимиздек, жорий натижаларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашни алоҳида таъкидлаш лозим, шу жиҳатдан ҳам ушбу иқтисодий категорияларнинг моҳиятини кўриб чиқишимиз зарур.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000-2017 йилларда ЯИМнинг ўсиш тенденцияси**

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

“Модернизация” ёки “модернизациялаш” тушунчаларига адабиётларда турлича таъриф берилган бўлиб, уларнинг баъзиларини келтирамиз. Иқтисодчи олимлар А.В.Вахабов ва Ш.Х.Ҳожибакиевлар модернизация тўғрисида куйидаги фикрларни билдиришган: “Модернизация инглиз лексиконидаги modern (лотинчада modernus) сўздан олинган бўлиб, 1500 йилдан буён “замонавий, қадимий бўлмаган, бугунги кунда пайдо бўлган” деган маънони англатиб келмоқда. Модернизация жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодий таракқий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир” [3]. Бу иқтисодчиларнинг фикрича, модернизациянинг асосий моҳияти- бу замонавий, янги, янгиланган деган маънони англатади.

М.Қ. Пардаев ва О.М.Пардаевлар ўзларининг монографиясида модернизацияга куйидаги таърифни беришган: “Модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга тушунилади” [4]. Бу таърифда ҳам асосий урғу замонавийлаштириш ва янгиланишга берилган.

Б.Ҳодиев ва бошқалар модернизациянинг тор ва кенг маъносини фарқлайдилар [5]. Хусусан, улар модернизация тушунчасига тор маънодаги ёндашув сифатида унинг куйидаги мазмундаги таърифини келтирадилар: “Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар

модернизацияланади”<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, тор маънодаги модернизация атамаси асосан техника, технологияга оид тушунча деб қаралади.

Е.Е.Румянцева ҳам масалага худди шундай ёндашади: “Модернизация (modernization) – 1) кенг маънода – турли такомиллаштиришларни жорий этиш орқали замонавий талабларга мувофиқ ўзгаришлар, ижобий силжишларга эришиш. Асосан макродаражада рўй бераётган жараёнларни тавсифлашда қўлланилади (масалан, иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиёт таркибий тузилишини модернизациялаш); 2) тор маънода – мол-мулкка нисбатан – мол-мулк объекти элементларини алмаштириш, конструктив нуқсонларни бартараф этиш, (кўчмас мулк объектлари) ташқи кўринишни яхшилаш орқали маънавий эскиришни тугатиш” [6].

Л.М.Куликов модернизациялашга фан-техника тараққиётининг асоси, уни амалга ошириш шакли сифатида қарайди: “Фан узоқ йиллардан буён ривожланиб, ишлаб чиқаришни янги ғоялар билан “озиклантириб” келмоқда. Шунинг учун фан-техника тараққиёти (ФТТ), яъни техника ва ишлаб чиқариш усулларини эволюцион, секин-асталик билан модернизациялаш у ёки бу даражада барча технологик даврларга хос бўлиб келган. Модернизация (лотинча modern(us) – янги, замонавий) – бирор нарсани замонавий талабларга мувофиқ равишда янгилаш, такомиллаштириш” [7].

И.ф.д. А.Хашимовнинг “Модернизация – ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий воситалар ва номоддий активларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш, янгилаш, замонавийлаштириш. Уни мамлакатдаги ресурслардан самарали фойдаланиш (давлат локализация дастури) асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир” [8] деб берган таърифидан кўринадики, муаллиф модернизацияга тор маънода ёндашиш билан бир қаторда уни амалга ошириш қамров доирасига ҳам нисбатан чекланган ҳолда ёндашган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотимиз мавзуси иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобининг айрим масалаларига бағишланганлиги сабабли, аввало, мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзуни ўрганилганлик даражаси тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларида фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ушбу мақолада иқтисодчи олимларнинг модернизация борасидаги фикр-мулоҳазалари кенг ўрганилган бўлиб, унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида тўхталсак.

Фикримизча, модернизацияни илмий жиҳатдан ўрганиш билан модернизация (Модерн) назарияси шуғулланади. Модерн назарияси - бу модернизация тўғрисидаги таълимотдир.

Модернизациянинг моделлари.

<sup>1</sup> <http://economic.doco.ru/?id=797665467>.

1. Линеар (линейная) модель. (У.Ростоу, А.Органский, М.Леви, Н.Смелзер, С.Блэк, Ш.Эйзенштад тадқиқотлари ва бошқалар).

С.Блэк модернизациянинг эволюцион ривожланиш фазасини (босқичларини) кўрсатиб берган.

1-фаза: - “modernity”ни пайдо бўлиши – жамиятда модернизациянинг тарафдорларини пайдо бўлиши.

2-фаза: - модернизация элиталарининг бирлашуви (консолидациялашуви) – хокимиятнинг традицион шаклидан модернизация моделларига ўтиши.

3-фаза: - иқтисодий ва ижтимоий трансформацияси – иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ўзгариш, яъни жамиятни қишлоқ хўжалиги устун бўлган шароитдан саноатлашган шароитга ўтиш трансформацияси.

4-фаза: - жамиятнинг интеграциялашуви.

Биз асосан 3-фазага тўхталиб ўтмоқчимиз. Ш.Эйзенштад иқтисодий соҳада модернизацияни қуйидаги белгиларини кўрсатиб боради. Технологик ўсиш – асосан илмий билимни амалиётга жорий этилишини рағбатлантиради:

- Иқтисодийни бирламчи (қазиб олиш) тармоқлари улушини қисқартириш ҳисобига, иккиламчи (саноат, тижорат) ва учламчи (хизмат кўрсатиш, сервис) тармоқларини ривожлантириш.

2. Парциал (хусусий-частичный) модель. (Д.Рюшмейер)

3. Кўпчизикли (многолинейная) модель. (Э. Тириақьян, П. Штомпк, Р.Робертсон, У.Бяк, К.Мюллер, В.Цанф, А.Турян, С.Хантингон ва бошқалар).

4. Актор (акторная) модель. (Тимо Пиирайнен).

Т.Пиирайненнинг концепциясини асосида икки революциянинг ўхшашлиги ётади. XVIII аср охирида Франция революцияси ва XX асрнинг охиридаги “Россия” революцияси – бу СССРни тугатилиши.

Актор – бу ўз фаолиятини бошқаларга йўналтирувчи якка тартибдаги ёки жамоавий тартибда фаолият юритаётган субъект, индивид, ижтимоий гуруҳ, ташкилотлардир.

5. Таркибийлашган (структурационная) модель. (швед Г.Терборн) [9].

Ушбу ўринда структуризация сўзини шаклланган тузилма сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Линеар, парциал моделлар макро даражадаги ижтимоий воқеликларни ва жараёнларни ўрганишга асосланган.

Кўп чизикли, актор моделлар эса микро даражадаги ижтимоий жараёнларни ва амалиёт фаолиятларини илмий ўрганишга йўналтирилган.

Таркибийлашган модель эса хар хил даражадаги (микро, макро ва мезо) ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, амалий фаолиятларни илмий ўрганишга йўналтирилган моделдир.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг турлари:

1. Экстенсив.

2. Интенсив.

Иқтисодийни модернизация қилишнинг асосий йўналишлари [10]:

1. Диверсификация.

2. Глобализация.

3. Интеграция.

4. Инновация .

5. Инвестициялаш.

В.С. Белых иқтисодиётни модернизациялаш тўғрисида ўзининг қарашларини қуйидагича ифодалаган: “Иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида биз иқтисодий фаолият турини тушунамиз, яъни Россиянинг бир қанча ғарбий мамлакатлардан иқтисодий қолоқлигини енгишга қаратилган замонавий талабларга жавоб берадиган иқтисодиётни такомиллаштириш йўналишларининг комплекс чораларидир”.

И.В.Макарова юқоридаги таърифни янада аниқлаштириб “Иқтисодиётни модернизация қилиш жамиятдаги янги тизимга мос келадиган манфаатлар, бойликлар ва қарашларни характерловчи инновацион қайта тиклашга асосланган замонавий иқтисодий моделни шакллантирувчи жараёнدير” деб таъриф беради. Бу таърифда И.В.Макарова қуйидаги модернизациялаш белгиларининг ғояларини илгари суради:

- замонавий иқтисодий моделни шакллантирувчи жараён эканлигини;
- кўрсатилган жараён инновацион механизм билан чамбарчас боғлиқлигини;
- иқтисодиётни модернизация қилишнинг моҳияти жамиятнинг сифат ўзгаришини ифодалайди [11].

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, **модернизациянинг бош вазифалари – бу иқтисодиётнинг замонавий моделини шакллантиришдир.**

Е.В.Панова иқтисодий модернизацияни қуйидаги учта жорий (қўшимча) йўналишларни кўрсатиб ўтади:

1. Ишлаб чиқаришни эскирган моддий базасини техник янгилаш;
2. Хомашёга асосланган тармоқлар улушини қисқартириш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгариш қилиш;
3. Иқтисодиётни ўсишига катализатор бўлган (илмий, юқори технологик тармоқларни шакллантириш) тармоқларни иқтисодиётдаги улушини ошириш [12].

Н.Д. Кондратьевнинг фикрича модернизация жараёни мураккаб бўлиб, унга қуйидаги хусусиятлар характерлидир:

- революцион характер;
- комплекс – яъни жамиятнинг барча жабҳаларини ўз ичига олиш;
- тизимлилиқ;
- глобал характер;
- давомийлик;
- гомогенлик;
- дифференциялашганлик;
- ўзгаришларни қайтараолмаслик.

В.В. Коврыжконинг фикрича: “Иқтисодий модернизация деганда, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган таркибий, технологик ва институцивий ўзгаришлар тушунилади” [13].

А.В.Вахабов ва Ш.Х.Хожибакиевларнинг фикрича: “Жаҳон амалиётида иқтисодиётни модернизациялашнинг қуйидаги уч модели фарқланади:

- инқилобий;

- табиий;
- кувиб етадиган модернизация” [14].

Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси қуйидаги муҳим элементлардан ташкил топади:

1. Ғарб технологияларини ўзлаштириш.
2. Мамлакатларнинг янги технологияларни ўзлаштириш имкониятларининг ортиши.
3. Баланслашган “очиқ сиёсат”. Очиқ иқтисодиёт – бу ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланган, миллий иқтисодиётнинг нисбий устунликларига таяниб, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиб борувчи иқтисодиётдир.
4. Ички бозорга йўналтирилганлик.
5. Олтин валюта захираларининг ўрнини қайта кўриб чиқиш.
6. Банк тизимининг самарадорлигини ошириш.
7. Солиқ сиёсати чоралари.
8. Ипотекани ривожлантириш.
9. Иқтисодий ўсишни интерактив бошқариш тизими [15].

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий модернизациялаш юқоридаги стратегия элементларига мос келади.

Модернизация билан бухгалтерия ҳисобининг боғлиқлик томонлари нимада деган савол туғилади? Фикримизча, модернизация ва бухгалтерия ҳисобининг боғлиқлигини икки нуқтаи назардан қараш керак.

Биринчи нуқтаи назар, модернизациянинг бухгалтерия ҳисоби тизимига таъсири сифатида. Бунда бухгалтерия ҳисоби тизими модернизация қилинади, яъни:

- Мавжуд бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга қўллаш асосида модернизация қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби счетлар режасини модернизация қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби шакллари ва регистрларини модернизация қилиш;
- бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимини замонавий дастурий маҳсуллар ва компьютер воситаларини қўллаш асосида модернизация қилиш ва бошқалар.

В.Ф. Палийнинг фикрича, Иқтисодиётни модернизациялаш молиялаштиришнинг ички манбаларидан кенг фойдаланишни талаб қилади. Шунинг учун молиявий ресурсларни шакллантириш ва сарфланиши устидан назоратни таъминлаш, ҳамда бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

В.Ф. Палийнинг ёзишича модернизациялашни молиялаштиришнинг иккита манбаси мавжуд: бюджет маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ички жамғармалари.

Бу иқтисодчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ички жамғармаларига қуйидагилар киритилган:

- Амортизация фонди (жамғармаси);
- махсус модернизация фонди;
- фойдадан молиялаштириш фонди [16].

Иккинчи нуқтаи назар, бу модернизация жараёнини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масаласидир. Бу масала кўпроқ ишлаб чиқаришга янги техника – технологияларни киритиш, асосий воситаларни реконструкция ва модернизация қилиш билан боғлиқдир. Бунда модернизация жараёни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қаралади. Шунингдек модернизация жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киритилаётган инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг асосий объекти сифатида намоён бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ташкил этиш куйидагилар ўз ичига олади:

1. Иқтисодий субъектлар молиявий ҳисоботини МҲХС асосида шакллантириш.

2. Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни мослаштириш.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва коррупция. Бухгалтерия ҳисобини коррупцияга қарши курашишдаги ролини оширади.

Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хорижий инвесторларни кенгроқ жалб қилишнинг туб замирида у билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий манбаларни ҳам халқаро талабларга мослаштириш масаласи дунё тажрибасидан бизга маълум.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобини бевосита ислоҳ қилиш қийин жараён, албатта. Аммо мамлакатимизда соҳада амалга оширилаётган ишларнинг самараси йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Мамлакатимизда амалда қўлланиб келинаётган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ва “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари” доимий равишда халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мослаштириб келинмоқда.

Жумладан, 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли Қонун билан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга (30.08.1996 йилдаги 279-сонли) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, унинг янги таҳрири тасдиқланди<sup>2</sup>.

Янги таҳрирдаги қонунда бухгалтерия ҳисобини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ чегаралаш йўли билан хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, уларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарлари жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тасдиқланган.

Фармонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясидаги [2] солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкни пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг

<sup>2</sup> 2016 йил 13 апрель “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонун



замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Биз юқорида модернизация терминини иқтисодий категория сифатида ўрганиб, уни олимлар томонидан турлича талқини асосида ўрганиб чиқдик. Юқоридаги таърифлар ва бошқа иқтисодий адабиётлар таҳлили натижаларига таянган ҳолда модернизацияга қуйидагича таъриф беришни афзал ҳисоблаймиз: Модернизация – бу жамиятнинг барча соҳаларини илғор технологиялар ва таркибий ўзгаришлар асосида ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олиш мақсадида замонавийлаштиришдир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисобини модернизация қилиш, фикримизча, бухгалтерия ҳисобини модернизация қилиш – бу бухгалтерия ҳисобини замон талаблари асосида ташкил этишдир. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисобини замонавийлаштиришдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” маърузаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи, 08.02.2017 й. №28 (6722).

3. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хожибакиев, Н.Г.Мўминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. (и.ф.д., профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида – Т.: “Молия”, 2010 (328 бет) 243-бет.

4. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: “Навруз”, 2014. (104 бет) 18-бет.

5. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. –53 б.

6. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – VI, 826 с.-С. 374.

7. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Велби, Изд-во проспект, 2005, с 72.

8. Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. – и.ф.д., проф. Б.Б.Беркинов таҳрири остида. – Т.: “ФАН”, 2007, 286-б.

9. Терборн Г. “Европейская современность и за ее пределами: пути развития европейских обществ. 1945-2000 годы”. Лондон, 1995.

10. Котов М.М. “Основные задачи и направления модернизации Российской экономики. Актуальные вопросы экономических наук”. №14. 2010.

11. Макарова И.В. потенциал модернизации машиностроительного комплекса региона: Монография. Екатеринбург, 2010г. стр.23-24.

12. Понова Е.В. Основные направления модернизации Российской экономики // <http://bujet.ru/article / 98452.php>.

13. Коврыжко В.В. Экономическая модернизация трансформирующихся экономик. Вопросы регулирования экономики. Том-1.»1.2010.

14. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хожибакиев, Н.Г.Мўминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув кўлланма. (и.ф.д., профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида – Т.: “Молия”, 2010 (328 бет) 245-бет.

15. Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. Вопросы экономики. №6.2009.С-19-23.

16. Палий В.Ф. Модернизация экономики и совершенствование методологии бухгалтерского учета. Журнал “Бухгалтерский учет”. №3, март. 2010г. 7-9 стр.